Биродарлар! Сўнг асрларда олами исломнинг умуман, Туркистоннинг хусусан бошиндан ўткардиги фожеаларни бир-бир санасак, неча жидд китоб бўладир ва бу фожеаларнинг бошлича сабаби билимсизлик, жахолат, мухокамасизлик, бир-бировга суи зан (бадгумонлик), бир-бировга ишонмаслик, бирон каттарок ё мўйсафид одам хар нима деса ани Худо тарафиндан келган вахийдек билмакликдан иборат эди. Нодонлигимиз шу даражададирки, асрлардан бери ислом олами, Шарк дунёсининг бошига кандай фалокатлар кедди, бу фалокатларнинг сабаби кимлар ва нима эдикини билмаймиз. Холо хам билмасликимизга давомат килмокдамиз. Ўтган асрларни бир ёкка кўяйлук, ёлгуз шу кейинги тўрт-беш йилда Туркистонда нималар бўлди, хабаримиз йўк. Холбуки, орамизда мундан олтмиш йил бурунги холларни кўзи билан кўрган, рус хукумати мустабидаси билан мулокот вокеаларда иштирок килгон карияларимиз кўб. Лекин бечора карияларимиздан у фожеаларнинг сабабини сўрасак, «Фалон одамлар русларга тил берди, фалон авлиёнинг рухи койиди ёки фалон девона айтдики, хизр Илёс рус аскарларига пешдорлик килмокдадур. Шунинг учун таслимдан бошка чора йўк эди...»дек сафсата сўзлар сўзлайдилар.

Хакикат хол нима эканлигига бир мисол бўлсун деб, кискагина бир нарса ёзаман. Рус аскари Туркистон худудини ошиб, Авлиёотани ишгол килаётган вактинда магрур амир Музаффарнинг якка максади Хўканд хонликини махв этмак эди. Анинг зимнича, Хўканд хони хилофи шаръий ишлар кила эмиш. Шунинг учун шариатнинг ягона эгаси бўлгон Бухоро хукуматия Хўканд хонлигини махв этмак фарз эмиш. Хўканд хонлиги эса гох Худоёрхоннинг тарафини олиб, гох Мусулмонкулига пабрўлик килиб, гох билмам кайси эшони миённинг истихорасига имон келтируб, бир-бировини сўкмак билан овора эди. Иш шу даражага етдики, рус козоклари Тошканд шахрини ишгол килдиги вактда, амир Музаффар шариат исминдин Хўкандни таламок, хотун-кизларни номуссиз килмок билан машгул эди. Анинг зимнича, биринчи фурсатда Хўканд ахолисидан ўч олмак лозим эди. Аммо руслар бўлсалар, шариат исминдан мухораба киладургон амир Музаффар аскарининг каршусинда тура олмай, Оренбургдан нари ёкга кочиши аниг эди.

Лекин иш амир Музаффар ўйлагонча чикмади. Тошканддан кейии Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Янги Кўргон, Самарканд бири оркасиндан бири кета бошлади. Бу вакт эътикодлар бошкаланди, бу маглубиятларнинг сабаби, хикмати изланди: «Рус аскарининг олдайинда хизр Илёс, билмам яна кайси дажжол рахбарлик кила эмиш. Шунинг учун бу маглубиятларга биз туркистонлиларниигхсч дахлимиз йўк эмиш».

Баъзиларнинг зимнича, бунинг сабаби ўзимизнинг аъмоли бадимиз эмиш. Дарвоке, бу бир даража тўгри фикр. Лекин масала, бундаги кайси кисм амали бадимиз бунда бир кисм ишларда гунохкор бўлур. Лекин бу гунох ўз шахсига оид бўлдиги учун анинг жазоси

киёматда мавкуфдир. Худо хохласа багишлар, хохласа жаханнамга юборур (у шариат хукми). Аммо бир кисм гунохларга банда анинг жазосини шу дунёда кўрур. Мисол, илмсизлик, ёмон ахлокдек гунохлар.

Маалтаассуф, бизнинг мухтарам фахрийларимиз у фожеаларимизга аввалги кисм гунохларимизни сабаб кўрсата эдилар. Аммо, дархакикат, охирги кисм гунохларимиз, яъни нодонлигимиз сабаб эди. Нодонлик бир гунохдирки, анинг жазосини хар кимса шу дунёда кўрмакга мажбурдир.

У фалокатларнинг хакикий сабабларини тушунган, иш кўлдан кетмасдан бурун илож ва чорасига фикр юритган баъзи бир одамлар бор эди. Лекин у бечораларнинг кайсиси тилчилик, кайсиси хукуматга хиёнат, кайсиси Хўканд хонлиги, балки Шахрисабз бекига жосуслик гунохлари билан кесилдилар, осилдилар, зиндонларга солиндилар.

Улуг Туркистон парча-парча бўлуб, рус козоклари оёги остинда эзилгандан кейин хам, биз бурунги ахволимизга давомат килдик. Келаси кунлар учун хеч бир хозирлик кўрмадук. «Бу хол билан кетаберсак, бир кун дунё юзиндан махв ва мункариз бўлурмиз. Шунинг учун фурсат ўткармасдан илм ва маърифатга ёпишмогимиз керак», деб орамиздан чикиб бизга насихат берган мутафаккирларимизни яна Бухоро амирининг, Бухоро уламосининг иш ва сўзларини ўзимизга далил килиб, шариат исминдан жонимиз борича илм ва маорифга каршу турдук. Агар бизга акл ва мухокама бўлса эди, эллик йиллик асорат замонида чор хукумати бизни канча кисса хам яна Туркистоннинг хар шахринда юзларча илмлик одамлар етишдира олар эдик. Бу инкилоб замонинда мунчалик хатолар, (одамсизлик)га учраб, фалокатларга гирифтор бўлмас эдик.

Эмди келайлук инкилоб замонига: биз бу нарсага хозир эмас эканмиз, буюк Русия инкилоби бошланди. Яна ўшал мўйисафидларимиз, кариларимиз, уламомиз майдонга отилдилар. Хар нарсани ўзлари билдикича юритмокчи бўлдилар. Табиий, буларнинг билдиклари нарсалар мундан эллик йил бурундаги одамларнинг билдикларидан ошук эмас эди. Ёшларимизга келсак, буларнинг бир кисми кариларимизнинг асорати остинда эдилар, бир кисмлари дуруст тарбиялари, етарлик илмлари ва тажрибалари бўлмадиги учун жиддий ишлар, инкилоб тошкунларини бажара олмас бир холда эдилар.

Керинский замони ўтди, ишчилар даврони келди, лекин яна биз олами хайратда на дейишимизни, нима килишимизни билмасдан сарсон эдик. Кариларимиз ва тажрибакорларимиз «15 кун, бир ойда шўролар хукумати йўк бўлур», деб хукуматга

якинлашмадилар ва якинлашганларга шариат исминдан, билмам, кайси имон кароматиндан кўркуб йўл бермадилар.

Инкилоб ўсди, Русияни бутун ишгол килди, икки йилни тўддуруб учинчи йилга кадам босди. Москов йўли очилиб, Туркистонга инсониятпарвар ўртоклар рахбар бўлиб келдилар. Туркистон ахолисига ота-боболарининг эсларига келмаган хаклар берилди. Бу хакларга эга бўлмокка ярайдиган йигитлар етиштирмак учун мактаблар очилди. Миллиюнлар билан окча сарф килинди ва сарф килинмокдадир. Асоратдан кочиб ватанларига бораётган усмонли кондошларимиз бизнинг жахолатимизга жонлари куйиб, муваккат бўлса-да, бир неча кун бизга рахбарлик килмок учун Туркистонда тўхтаб фидокорона хизматларга киришдилар. Усмонли кардошларимиз ёлгиз илм жихатдангина эмас, хатто, хукумат ва фирка ишларига киришиб сиёсий жихатдан хам бизга рахбарлик килмокдалар.

Осмондан тушган шунча давлат, шунча тахт, шунча хукук, шунча имтиёз мукобилинда биз нима килаётирмиз? Биз яна 50 йил бурундаги эски жахолатимиз, эски суизанимиз (бадгумонлик), эски соддалигимиз (таъбири маъзур кўрилсун) эски акдсизлигимиз билан хар нарсая ўзимизча маъно бериб, халкни ташвишга, ёшларни жахолат ва ахлоксизликга солиб шундок ганимат ва тор бир фурсатни бўш ўткариб, туркистонлиларнинг келаси кунлари учун гўр казмокдамиз.

Хотирларга бўлса керак, ўтган йил мактаб болаларини фанний саёхат учун рўйхат килаётгондаги «бизнинг болаларни солдат кила эмиш», деб 8-10 яшар болаларни мактабдан кочируб богларга элтиб ёшурдик. Тахрири нуфус (ахолини рўйхат) вактинда «Худо урди! Солдат бўлиб ўлармиз?» деб йигитларимизни Шахрисабзларга, Каршиларга, Бухороларга кочирдук ва неча кун орадан ўтди, хеч ким солдатликка олинмади. Худуд коравуллари кўлларига тушиб турмада камалгон йигитлар хам озод килиндилар. Шахрисабзга кочгонлар оёглари шишиб, балоларга гирифтор бўлиб «бозордан кайтгон инак»дек такрор Самаркандга келдилар. Буларга хам «Каерга кетиб эдинг!», деб хеч ким бир нарса сўйламади, бу алдангон кочкунлар кўб зарарларга, кўб фалокатларга учрадилар. Кўб акчалари сарф бўлди, Самаркандца хотун-болалари кишисиз колди. Баъзилари, устига устак, Шахрисабзда 50 таёк шаллок хам едилар. Хар нима бўлди-ўтди. Яна Ватанларига келдилар. Лекин буларни игво билгон нодонлар, буларни кочургон карилар, буларни шунча фалокатларга учратган оталар килгон ишларидан хеч уёлмадилар. Уёлмок нари турсин, у нолойик игволариндан ибрат олиб, мундан буён акл билан иш килмок, мухокама килиб сўз сўйламокни хам ўрганмадилар.

Мунча узун-узун сўз сўйлаб, ўкувчиларнинг бошларини огритдигимга сабаб бўлгон

кичкинагина бир хикоятни арз киламан. Маълумки, 1919 йил ёз фаслиндан бошлаб Самарканд хам илмга интила бошлади. Мактаблар тартибга кўйилди. Мутаадцид курслар очилди. Бу ишларга усмонли кардошларимизнинг, хусусан, эски шахар маориф мудири Сулаймон Сомий афандининг фидокорона хидматлари сабокот килди. Ўкувчилар ўзларини халк назарига кўрсата бошладилар. Хусусан, «Олтой дарнаги» курсининг шогирдлари бутун Самарканд ахолисининг диккатларини жалб килди. Бу жамиятнинг гимнастик, мусика ва тиётру учун бошка-бошка тўдаси бордир. Шу кунларда мусика тўдаси бир неча шаркийларни нўтасига табикот чолмокдадир. Бу мусикани доира ва накорадан иборат билиб юрган, ёвруполилардек мусика чалишни, ёвруполиларга махсус бир хорка гумон килиб келган биз самаркандлиларга катта ишдир. Бунинг учун канча кувонсак хакимиз бор. Лекин ишнинг ижоботи бошка ўринда, «Олтой дарнаги»нинг мусика тўдаси аъзоларидан бирининг онаси ўглининг ёвруполикдек мусика чалишини кўриб, ўз киска акли билан ё бошка бир нодоннинг игвоси билан «Худо урди, энди ўглим солдат бўлди», деб хукм килмиш. Гўёки буларга мусика ўргатиб, фрунтга юборур эмишлар. Йўкса, ёвруполилардек мусика чалмок нимага керак эмиш. Шул эътикодга биноан ўглини шахримизга кочирмокчи бўлмиш... Ай ахмок бобо! Агар шўролар хукуматининг фрунтлари санинг ўглингдек уч шаркийни зўрга чаладургон ўн икки нафар самаркандликка мухтож бўлса эди, качонлар шўролар дунёда йўколиб, сан ва ман хотун-болаларимизгача вахший мутаассиблар, ажнабий аскарлар кўл остинда эзилиб, махв бўлур эдик. Шўролар хукуматининг икки миллиюндан ошик аскари ва шунга муносиб дасталари бор. Санинг ўглингдек «нонхўр сарзабодий» хеч кимнинг газакига дору бўлмайдур. Ўтган йилдаги ахмокликларни эсингга кетур. Жондек гунохсиз ўглингни вахший хамсоялар кўлига ўз кўлинг билан топширма!

Ёшлар! Ай ёш йигирмадан ошган биродарлар, сизлар бундан буён мундака ахмокларнинг сўзларига кулок солманг. Бу фурсатларни ганимат билиб, илм йўлига югуринг. Ватанингиз, бу бекас Ватанингизнинг дардия даво бўладургон эр ва олим йигитлар бўлмокка чолишинг!

Ўтган йил шундака огуларга алданиб ватандан кочган, йўлда ушланиб, турмаларга камалган бир неча биродарларингиз бу йил сизнинг жамиятингизнинг ишликли энг фаол йигитларидандир. Уларнинг эсларига ўтган йилдаги вокеа тушса кизариб, уёлалар, у ишларга сабаб бўлгонларга нафрат баён килалар.

Сўзнинг кискаси: бизга нодон одамларнинг маслахатиндан зарардан бошка нарса тегмайдур. У одамлар мундан сўнгра аклга хам келмайдурлар. Сиз ўз пок вужудингиз, гаразсиз кўнглингиз билан иш килинг! Ёшлар! Юртнинг умиди ёлгиз сизгадир!

*«Мехнаткашлар товуши» газетаси, 1920 йил, 15 февраль*